



Келгуси йилдан бошлаб Козогистонда халол дориларни (тиббиёт препаратларни) ишлаб чикарилиши йўлга кўйилади. Халол дориларни ишлаб чикаришга ихтисослашган Иорданиянинг фармацевтика компанияси Козогистонда ўз филиалини очишни режалаштирган. Бу хакда Козогистоннинг “Мегополис” нашриёти компания вакили Ахмад Жабернинг баёнотига асосланиб маълум килган.

Халол дорилар анъанавий дорилардан фаркли ўларок, унинг таркибида шариат ман килган чўчка ёги ва алкоголь бўлмайди. “Хозирги пайтда халол дориларнинг дунё бозоридаги улуши 5% ташкил килади ва бу дорилар аксарияти шариатнинг халол меъёрлари бўйича мусулмон давлатларида фойдаланилади. Халол дорилар рўйхати хозирги замон анъанавий дориларнинг 75% ни ўз ичига олади” – дейди компания вакили Ахмад Жабер. Шунингдек Ахмад Жабер яна халол дориларни ишлаб чикарувчиларининг ишлаб чикарган дорилари каттик назорат остига олиниб ушбу дориларга маҳсус сертификат берилмагунча сотувга чикмаслигини хам маълум килди. Якин келгусида козогистонликлар хам халол антигриппин ва витамин каби халол дориларга ўзлари баҳо беришлари мумкин деб таъкидлайди “Мегополис” нашриёти.

Абдулмалик Носиров